

ТАРЖИМА ҲАҚИДА ЯНГИ АСАР



(Рахимов Ғ. Таржима назарияси ва амалиёти.
Дарслик-мажмуа. – Т.: Ўзбекистон миллий
энциклопедияси нашриёти, 2016.)

Инсонлар маънавий ҳаётини ўзга муаллифлар асарлари билан бойитиш, она тилининг бор бисоти, нафосати, имкониятларини рўёбга чиқариш, ўқувчи, тингловчи, томошабин билимини кенгайтириш, тафаккурини чархлаш, янгича муносабатлар, нуқтаи назарлар қарор топтиришда таржиманинг аҳамияти беқиёс. Республикамизда таржимага азалдан жиддий аҳамият берилганлиги, шўролар замонида ҳам бу соҳада олдинги марраларда бўлиб келганимиз маълум. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, биз дунёни, дунё бизни кенг таниётган йилларда бу соҳага эътибор бениҳоя кучайди, таржимачилик иши давлат сиёсати даражасига кўтарилди, ўнлаб, юзлаб бадиий, илмий, техникавий адабиётлар она тилимизга ўгирилди, адабиётимизнинг сара асарларини хорижий тилларга таржима қилиш йўлга қўйилди. Айни чоғда таржимачиликнинг тезкор суръатларидан таржимашунослик, ўгирма асарлар таҳлили, тадқиқи бир қадар орқада қолаётгани кузатилмоқда. Бу хусусда мутахассислар, соҳа жонкуярлари ҳам бонг уришмоқда. Ғ.Саломов, Ж.Шарипов, Қ.Мусаев, А.Бушуй, И.Мирзаев, И.Ғафуров, Н.Комилов, Д.Ашурова, Ш.Сафаров, М.Холбеков, А.Ирискулов, О.Мўминов, Н.Қамбаров, Р.Файзуллаева, А.Умаров, Т.Жўра ва бошқа тадқиқотчиларнинг дарслик, қўлланма, рисола ва мақолалари жамоатчиликка яхши маълум бўлса-да, таржима маҳсулотлари олдида бу кўрсаткич камлиги, соҳа оқсаётганлиги факт. Бу соҳа бўйича чиқарилган қарорлар, кўрилаётган тадбирлар, жумладан, “Таржима назарияси ва амалиёти фанидан дарслик яратиш” инновацион лойиҳасининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши бу йўналишда юзага келган муаммоларни ҳал қилишда қўйилган жиддий қадамлардан бўлди. Ғанишер Раҳимовнинг “Таржима назарияси ва амалиёти” дарслик-мажмуаси бу лойиҳани амалга оширишга қўшилган муносиб ҳисса,

дейиш мумкин. Ғ.Рахимов “Замонавий социолингвистиканинг долзарб масалалари,” “Инглиз тилида сўзлашув типологияси”, “Таржимонлик амалиёти”, “Инглиз тили Ўзбекистонда: социолингвистик ва прагматик кўрсаткичлар” каби китоблари, кўплаб мақола, тадқиқотлари, мақолалари билан илмий-педагогик жамоатчиликка яхши таниш.

Таржимашуносликка бағишланган ҳар бир катта-кичик тадқиқот сингари ушбу дарслик мажмуа ҳам айна вақтда ёзилган, керакли ва фойдали асар эканини алоҳида таъкидлаш жоиз. Турли соҳаларга оид кўплаб адабиётларнинг пухта, етук таржималари билан бир қаторда хом-хатала, ғўрлари ҳам мавжудлиги, бемаза қовуннининг уруғидай кўпайиб бораётганлиги сир эмас. Савияси ҳамин қадар ўғирмаларнинг нашр этилаётгани боиси, назаримизда, биринчидан, сўз масъулиятини чуқур ҳис этмаслик, иккинчидан, соҳанинг сир-асрорларини тузук билмаслик, лингвистика, стилистика, синтаксис услуб-қоидаларидан дуруст хабардор бўлмаслик, учинчидан, назорат суствлигидан фойдаланиб қолиб бу ишга жазм қилиш, тўртинчидан, дарслик, қўлланма кўрмасдан ҳар мақомга йўрғалаш натижаси, оқибати, дуйиш мумкин.

Кейинги чорак аср нари-берисида етишиб чиқаётган таржимон, таржимашуносларга хос бир фазилатни алоҳида таъкидлаш жоиз: уларнинг аксарияти, Бехбудий бобомиз орзу қилганидай, энг ками тўрт тилни биладиган, шу боис бу ишга қўл урадиган кишилардир. Шўролар замонида кўп таржималар, асосан, бир тил, рус тили орқали амалга ошириларди, бевосита, аслият тилидан ўгирилган асарлар кам бўларди. Таржимашунослар тадқиқотларида таҳлил, муқоясаларида ҳам бу тил асосий восита, қурол эди. Эндиликда тегишли олий ўқув юртларида кўпгина хорижий тиллар ўқитилмоқда, халқаро миқёсда нуфузи баланд инглиз тилини мактабгача таълимдан олий ўқув даргоҳларига қадар кенг, тизимли ўргатиш йўлга қўйилмоқда, бу соҳа мутахассислари сони кўпаймоқда. “Таржима назарияси ва амалиёти” дарслиги муаллифи ҳам тўрт-беш тилни биладиган, инглиз тилини оила даврасидан бошлаб ўрганган (отаси инглиз тили ўқитувчиси), ўзи ҳам олий таълим муассасасида шу йўналишда таҳсил олган, фаолияти давомида билимини пишитиб, чуқурлаштириб борган мутахассислардан. Олим дарслигида асосий эътиборни таржима жараёнини соф лингвистик маънода тушунишга, бир тилдаги матнни иккинчи бир тилга ўгириш, трансформация қилиш масалаларига қаратилганини таъкидлаб ёзади: “Таржима назарияси таржимонни таҳлил ва умумлаштириш учун зарур бўлган қоида, усул ҳамда воситалар билан таъминлайди, манба матнда нимани излаш кераклигини ўргатади, таржима қилинган матн қандай бўлиши ва таржимани қандай амалга оширишни тушунтиради. Энг муҳими, у

таржимоннинг хунари, санъатига айланади. Таржима – лисоний, психологик, маданий, адабий омилни қамраб олган мураккаб ҳодиса”(14-бет). Муаллифнинг таржима асосларини макролингвистика, психоллингвистика, социоллингвистика, матн лингвистикаси фанлари қамровида ўрганиш кераклигини қайд этиши ҳам эътиборга молик. Муаллиф манба матн ва таржима матн бирликлари, муносабатлари билан шуғулланувчи мувофиқлик назариясига, таржимада энг муҳим нарса мазмуний ўхшашлик, асар руҳини бера олиш эканига алоҳида аҳамият беради, бир матннинг инглизча ва ўзбекчада, ва аксинча, ўзбекча ва инглизчада қандай чиқиши, трансформацияга учрашини конкрет мисоллар билан исботлайди.

Дарслик-мажмуа таржима назарияси объекти ва предмети; соҳа назариясининг шаклланиш босқичлари ва унинг турлари; таржимада муқобиллик; прагматика; лексик; грамматик; стилистик; фразеологик муаммолар; лексик ва грамматик трансформациялар; синхрон таржималарнинг хос хусусиятлари; тил ва нутқ синтактикаси муаммолари баёни таҳлиliga бағишланган ўн бир мавзу-бобдан иборат. Сўзбоши, хулоса, адабиётлар рўйхати, мавзулар мазмуни, келтирилган ҳавола, иқтибослар муаллифнинг таржима соҳасидан тўлиқ хабардорлиги, соҳа бўйича ўзимизнинг ва хорижнинг қайси мутахассислари қандай асарлар ёзгани, бу борада қандай муаммолар борлиги баён этилади. “Таржима назариясининг шаклланиш босқичлари ва унинг турлари” номли мавзу ҳам ҳажмининг катталиги(29 бет), соҳа тарихи, тараққиёт босқичлари, ўзига хос хусусиятлари, машаққатлари, долзарб муаммоларининг акс эттирилгани борасида муҳим маълумотлар келтирилганлигини эътироф этиш жоиз. Ижодий, эркин, сўзма-сўз, ёзма, оғзаки, синхрон таржималар, образлаштирилган (идеомалаштирилган), муаллифлаштирилган, мослама, табдил, академик, билвосита таржималар, шандовинг методи хусусида билдирилган фикрлар, таҳил, тавсиялар муҳим, қимматли ва айни керакли. К.Симоновнинг “Жди меня” (“Мени кутгил”) шеърини Ҳ.Олимжон, А.Қаҳҳорнинг “Синчалак” қиссасини К.Симонов, Войничнинг “Сўна” романини М.Исмоилий, Гётенинг “Фауст”ини Э.Воҳидов рус тилидан қойилмақом таржима қилгани ва ҳоказо мисоллар келтирилади. Билвосита, яъни иккинчи, ҳатто учинчи тил орқали таржима қилиш борасида билдирилган фикрлар ҳам диққатга сазовор. Бизда жаҳон адабиётининг кўп асарларини тилимизга ўгириш воситали тиллар, асосан, рус тили чекига тушгани маълум. Восита тил орқали таржимага кескин қарши чиқувчилар ҳам, бу йўлга хайрихоҳлар ҳам борлиги маълум. Ўз вақтида Н.Чуковский “Ўнинчи санъат илоҳаси” мақоласида “...Мопассанни рус тилидан таржима қилиш қанчалик бемаънилик бўлса, Лев Толстойни озарбайжончадан ўгириш ҳам шунчалик беҳуда иш” деган

фикрига А.Қаҳҳор “Таржимачилик ташвишлари” мақоласида кескин қарши чиқиб, ёзган эди: “Биз асл нусхадан тўғридан-тўғри таржима қиладиган санъаткорни ҳамма вақт эъзозлаймиз, албатта. Аммо бунақа таржимонлар бизда ҳозирча жуда кам. Нега энди биз миллий адабиётларни рус тили орқали қўлга киритилиши мумкин бўлган қувончдан маҳрум этишимиз керак?! Лопе де Вега, Мольер, Шекспир, Гольдони асарлари саҳнамиз беагаги ҳисобланади; китобхонларимиз В.Гюго, Р.Тагор ва бошқа кўплаб адиблар асарларини ўз она тилида ўқишга муяссардирлар. Уларнинг барчаси ўзбекчага рус тилидан таржима қилинган”. Шундан бери орадан ярим асрдан кўпроқ вақт ўтди. А.Қаҳҳор фикрига қўшилган муаллиф хорижий тиллардан бевосита таржима қиладиган мутахассислар етиштиришга қаттиқ киришилганини маъқуллаган ҳолда, ҳозирча, воситачи тил орқали бўлса ҳам зарур асарларни таржима қилавериш фойдадан холи эмаслигини таъкидлайди. Айни чоғда сўзма-сўз (дословний), ҳарфма-ҳарф (ҳижжалаб) қилинган, Т.Гнедич “цирк томошасига ўхшаш масхарабозлик” деб масхаралаган таржимага қарши эканини билдиради.

“Таржиманинг прагматик муаммолари” номли тўртинчи мавзу ҳам муфассаллиги(24 бет), янги фикр, нуқтаи назарлари, қиёсий мисоллар билан далилланиши ва бошқа фазилатлари билан ўзига ром этади. Муаллиф Л.С. Бархударовнинг таржимада сўзнинг стилистик тавсифи, маънолари рўйхати, эмоционал бўёғи типлари ҳақидаги тавсияларидан келиб чиқиб, ўғирма асарларда стилистик характердаги сўзларнинг нейтрал, оғзаки, китобий, поэтик, терминологик каби турлари мавжудлигини, бир неча хил эмоционал бўёқлар учрашини қайд этади, мисоллар келтиради. Э.Хемингуэйнинг “Алвидо, қурол!” асари русча вариантидаги “девушки здесь увидели, что такое фронт” жумласини Иброҳим Ғафуров “бу онаси ўпмаган оймтиллалар уруш нималигини шу ерга келиб билишди” шаклида бўёқдор ўгирганини маъқуллайди. Кундалик сўзлашувдаги оддий мисоллардан кўра бадиий асарлардан мана шундай мароқли мисоллар, фразеологик ибора, идеомаларнинг, мақол ва маталларнинг хос муқобиллари кўпроқ келтирилса айни муддао бўлар эди (Диккенс, Бернард Шоу, А.Қаҳҳор, С.Аҳмад асарлари, М.Исмоилий, Қ.Мирмуҳамедов, Э.Воҳидов, А.Орипов таржималаридан ҳам бундай мисолларни анча келтириш мумкин. Қолаверса, тилшуносликка оид дарслик, қўлланмаларда адиблар ижодидан грамматика қоидаларига мос мисоллар орқали ҳам асарларни тарғиб қилиш анъанаси мавжуд). Муаллифнинг рус, инглиз, немис тиллари ҳинд-европа тиллари гуруҳига мансуб флектив тиллар бўлгани боис уларнинг бир-бирига таржимаси нисбатан осон кечиши, ўзбек тили туркий тиллар гуруҳига мансуб қолипли,

агглютинатив тил эканлиги, шу боис инглизчадан ўзбекчага ағдариш нисбатан оғир кечиши ҳақидаги эслатмаси, огоҳи ҳам ўринли.

Олим кейинги йилларда тобора кенг қўлланилаётган синхрон таржима хусусиятлари, муаммоларига ўнинчи ва ўн биринчи мавзуларни ажратади. Қайд этган метод ва усуллар бу соҳа билан шуғулланувчилар, айниқса, бошловчи мутаржимлар фаолиятида жуда керак ва фойдалидир, булар: маълумотларни қисқа ва лўнда ёзиб олиш ва уларга таяниб ўгириш; асл нусха материалларини маъноли бўлакларга ажратиб таржима қилиш; матнни лексик, грамматик трансформациялар орқали ўгириш; оғзаки, ёзма, оғзаки-ёзма трансформациялар орқали ағдариш; компенсация, умумлаштириш, конкретлаштириш, ихчамлаштириш усуллари таржима осон иш эмаслигини кўрсатади.

Ўқувчида қизиқиш, рағбат уйғотадиган “Таржиманинг лексик муаммолари” мавзуга 4 бет, стилистик муаммолар мавзуга 5 бетдан сал кўпроқ ўрин ажратилгани дарсликнинг қайта нашрида ушбу мавзулар тўлдирилиши, кенгайтирилишини тақозо этади. Баъзи масала, муаммоларнинг қисқа, тезис тарзида берилишини талабаларнинг малакавий битирув, магистрантларнинг диссертация ишларига, йирик тадқиқотларга мавзу деб ҳам тушуниш мумкин дир балки. Китобда баъзи услубий, орфографик, пунктуацион хатолар учрайди, масалан, табдил ўрнига табдил, тасвирий ўрнига масвирий кетиб қолган, кейинги саҳифаларда тузатилган.

Таниқли таржимон, таржимашунос Иброҳим Ғафуров “Замон ва таржима” мақоласида “XX асрнинг салмоқли таржима анъаналарини, таржимашуносликда эса улкан олим Ғайбулла Саломовнинг ишини XXI асрда ким давом эттиради ва қандай давом эттиради?” деган савол ҳозир ҳам кун тартибидан тушган эмас” деб, моҳир тадқиқотчи Носир Қамбаров таржима таҳлили, тадқиқига кам эътибор берилаётгани туфайли куйиниши бежиз эмас. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Самарқанд давлат чет тиллар институтининг тегишли факультет ва кафедралари мутахассислари, етишиб келаётган истеъдодли, умидли ёшлар бу ишни муносиб уддалайди, деб ишонамиз.

Хулоса қилиб айтганда, таржима назарияси, амалиётига эҳтиёж кучайган, эҳтиёж заруратга айланган ҳозирги вақтда Ғ.Рахимовнинг дарслик-мажмуаси муҳим аҳамият касб этади, уларни ўқиш, ўрганишга рағбат кучаяди.